Ушбу сонда:
2 «ИШОНЧ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
3 TV-ДАСТУРИ
4 Гурур ЭРК ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 20 ноябр, шанба № 165 (812)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БОШ ТАМОЙИЛ - ХАВФСИЗЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Инсоният янги аср, янги минг йиллик арафасида турибди. Бу дамда ҳар ким ортга назар ташлайди, келгуси режаларни тузади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг йигирманчи юз йилликдаги сўнгги саммитида ҳам чорак аср давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, XXI асрда хавфсизликнинг асосий тамойиллари ва шартлари белгилаб олинди.

ЕХҲТнинг ташкил топишига 1975 йил 1 августда 33 давлат томонидан Хельсинки якуний актининг имзоланиши замин бўлди. Мазкур ҳужжат халқаро ҳамкорликнинг янги тамойиллари пойдеворига асос солиб, унда хавфсизлик, иқтисод, фан ва техника, атроф-муҳит муҳофазаси, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик масалалари қамраб олинган эди. Мазкур ҳужжат асосида пайдо бўлган ташкилот - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши деб аталганди. Унга аъзо мамлакатлар ўзаро муносабатларида амал қилиши лозим бўлган бош тамойиллар кўрсатиб ўтилганди. Улар қаторида мавжуд чегаралар дахлсизлигининг эътирофи, куч ишлатмаслик ва таҳдид солмаслик, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳам ўрин олган.

«Совуқ уруш» якунланиб, жаҳонда интеграция ва ҳар томонлама ҳамкорлик жараёнлари янги поғонага кўтарилгач, мазкур кенгаш доирасидаги муносабатларнинг мавқеи ортди. Шу сабаб унинг номи Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, деб ўзгартирилди.

Юқори даражадаги устувор йўналишларни белгилаб олишда ташкилотга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувлари асосий ўрин тутади. Илк саммит 1990 йили Парижда ўтказилиб, янги Европа учун Париж Хартияси имзоланган, ЕХҲТ таркибида бир неча тузилмалар ташкил этилган эди.

1992 йили Хельсинкидаги иккинчи олий даражадаги учрашувда «Узгаришлар чақириқлари» деган умумий ном олган ҳужжатлар қабул қилиниб, ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар бўйича Олий Комиссари лавозими таъсис этилди. Аҳамиятли томони шундаки, мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон бу саммитда ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этди.

Учинчи саммит 1994 йил Будапештда бўлиб ўтган. Унда янги даврда ҳақиқий ҳамкорликни қарор топтириш, Европанинг келажагини бунёд этишда ЕХҲТнинг ўрни ва вазифалари, можароларнинг олдини олишда ташкилот имкониятларини ривожлантириш, тенгликни сақлашга қаратилган ички операцияларда қуролли кучларни қўллаш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига доир ҳужжатлар имзоланган эди.

1996 йилги Лиссабон учрашувида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ЕХҲТнинг аҳамиятини ошириш масаласи чуқур таҳлил этилиб, Европа хавфсизлик Хартияси тўғрисидаги ғоя илгари сурилди.

18-19 ноябр кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган ЕХҲТ саммити кун тартибидаги асосий масала - Европа хавфсизлик Хартияси бўлди. Хартия нафақат ташкилотга аъзо 54 мамлакатнинг, балки бутун дунёнинг келгуси асрдаги хавфсизлиги борасидаги муҳим ҳужжат бўлади. Анжуманда биринчи бўлиб сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва интеграция жараёнлари ривожланиши билан баробар, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка қарши янги таҳдидлар пайдо бўлаётган ҳозирги даврда, Хартия - ЕХҲТнинг тутган ўрни ва аҳамиятини ошириш йўлида янги қадамдир.

Бу янги таҳдидлар миллатчилик, сепаратизм, экстремизм ва террорчилик каби кўринишларда жаҳон миқёсида тобора кенг ёйилмоқда. Афсуски, дунёнинг кўпгина минтақалари қатори Марказий Осиёда ҳам бунга мисоллар топиш мумкин.

Ўзбекистон ЕХҲТга аъзо бўлган пайтданоқ, ташкилотнинг тамойиллари асосидаги муайян мақсадларни амалга ошириш йўлида собитқадамлик билан иш юритмоқда. Бироқ, ташкилотнинг бош вазифалари хусусида турли қарашлар мавжуд. Таассуфки, баъзилар ЕХҲТ ўз номидан келиб чиқиб, айнан хавфсизлик масалаларига бирламчи эътибор қаратиши зарурлигини инобатга олмаяпти. Ахир, тинчлик ва барқарорлик бўлмаган жойда, қандай қилиб инсон ҳуқуқлари ва демократияни тўлиқ таъминлаш, иқтисодий юксалиш ва ҳамкорлик, атроф-муҳитни ҳимоялаш ҳақида гапириш мумкин.

Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифи муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда, ЕХҲТ шафеълигида минтақамизнинг бой табиий заҳираларидан тўлиқ фойдаланиш, энергетика, транспорт соҳаларини ривожлантириш, экология муаммоларини ҳал этишга қаратилган иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Шундагина ташкилотнинг яна бир тамойили - иқтисодий хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлик ҳаётга татбиқ этилади.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ўз келажагини демократик давлатлар ҳамжамиятида кўришини ва бу нафақат жамиятимизни демократлаштиришнинг муҳим омили, балки хавфсизлигимизнинг кафолати эканлигини алоҳида таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, ЕХҲТ доирасидаги қарор ва ҳужжатларни тайёрлашда, қабул қилишда, амалий чораларни ишлаб чиқишда мамлакатимизнинг мавқеи ва салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Буни ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебэкнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан учрашуви, Ислом Каримовнинг саммит иштирокчилари шарафига ўтказилган қабул маросимида АҚШ, Франция, Россия президентлари билан суҳбатида кўриш мумкин эди. Саммитнинг барча қатнашчилари мамлакатимиз Президентининг ЕХҲТ фаолиятини, аввалambor, хавфсизлик йўлидаги ҳамкорликка қаратиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлади.

Умуман, Истанбул саммитида имзоланган барча ҳужжатлар - Европа хавфсизлик Хартияси, Истанбул Декларацияси, Европада одатий қуролли кучлар бўйича янгиланган шартнома, ЕХҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чоралари бўйича Вена ҳужжати Ғарб ва Шарқнинг улкан қисмини қамраб олувчи ҳудудда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, ҳарбий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга замин бўлади.

Беҳзод Усмон,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент - Истанбул-Тошкент.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Жиззах вилояти деҳқонлари давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарди. Кейинги саккиз йил мобайнида илк бор зафар марросига эришилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижаси ўлароқ, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, далалар мелиоратив ҳолати яхшиланган, илғор технология ва замонавий техникадан самарали фойдаланиш муваффақият гарови бўлди. Мавжуд 112 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 23 центнердан ошди. Топширилган 258 минг тоннадан зиёд пахтанинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Вилоят пахтакорлари келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш мақсадида кузги-қишки агротехника тадбирларини уюшқоқлик билан бошлаб юборди.

Йўлчи Жўра,
ЎзА мухбири

Ажиниёз таваллудининг 175 йиллиги олдидан

Бахшилар беллашуви

Қорақалпоқ мумтоз адабиёти асосчиларидан бири Ажиниёз Қусибой ўғлининг 175 йиллик тўйига Тахтакўпир тумани бахшилари ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Туманнинг йигирмага яқин ёш бахшиси улкан тўй олдидан кўрик-танлов ўтказди. Унда хассос шоирнинг Ватан, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги, она табиат, аёллар гўзаллиги ва латофатини мадҳ этувчи ҳеъларига басталанган куй ва қўшиқлар ижро этилди. Танлов ғолиблари эсдалик совғалари билан мукофотланди.

ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Янгиобод. (ЎзА махсус мухбири Мусулмон Намозов хабар қилади.) 15 ноябр куни Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳри яқинида мудҳиш жиноят содир этган террорчиларни қидириш давом этмоқда. Бир ярим минг нафардан зиёдроқ ҳарбий тоғдаги барча йўл ва сўқмоқларни назоратга олган, махсус гуруҳлар дара ва унгурларни синчиклаб текшириб чиқмоқда.

Айни пайтда содир этилган террорчилик ҳаракати бўйича жиноий иш очилган. Уни республика прокуратурасининг махсус гуруҳи олиб бораётир. Отишмада ўлдирилган жиноятчиларнинг шахсини аниқлаш чоралари кўрилмоқда. Ҳозирча уч нафар жиноятчининг шахси аниқланган. Улардан бири шу маҳалгача қидирувда бўлган Вячеслав Ким бўлиб, илгари Хоразм вилоятининг Питнак шаҳри яқинидаги божхона масканига ҳужум қилган террорчилардан бири экан. Иккинчи жиноятчининг ёнидан эса Мурат Данаев номига берилган ва Россия Федерациясининг фуқароси эканини тасдиқловчи паспорт топилган. Унинг ҳужжатида Доғистоннинг Кизляр шаҳрида истиқомат қилиши ҳақида белги бор. Учинчи жиноятчи эса Норбек Алламов бўлиб, Хоразм вилоятининг Хива туманида истиқомат қилган.

Бирлашган штаб раҳбарлигидаги ҳарбий кучлар ялпи тозалаш тадбирлари билан бир қаторда, террорчи тўдаларнинг бу манзилда қайта пайдо бўлмаслиги учун зарур чораларни кўрмоқда. Қирғизистон ва Тожикистон республикалари билан чегаралар янада мустаҳкамланмоқда. Операцияга жалб этилган ҳарбийларни иссиқ кийимбош, озиқ-овқат, зарур миқдордаги ўқ-дори билан таъминлаш масалалари ҳал этилган.

(ЎзА)

1999 йил — Аёллар йили



МОТУРИДИЙА ТАЪЛИМОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Ислом Университетида «Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг Шарқ халқлари маданиятидаги ўрни» мавзуида халқаро илмий анжуман бошланди.

Анжуман Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент Ислом Университети, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Фридрих Эберт номидаги жамғарма томонидан ташкил этилди. Унда Германия, Қозоғистон, Қирғизистондан келган мутахассислар ҳамда ўзбекистонлик олимлар ва дин уламолари иштирок этмоқда.

Икки кун давом этадиган анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ислом Университети ректори Ҳ.Кароматов қисқача кириш сўзи билан очди.

Шарқ азалдан илм ва маърифат ўчоғи бўлиб келган. Бу заминда табиий фанлар билан бир қаторда, илоҳий таълимотни ҳам оламга ёйган етук алломалар яшаб ўтган. Бугун дунё олимлари Шарқ мутафаккирларининг илмий ва ижодий меросини ўрганишга катта эътибор бермоқда. Самарқандда яшаб ижод этган Абу Мансур ал-Мотуридий ислом динида Калом илми ва X-XII асрларда Мовароуннаҳрда кенг тарқалган Мотуридийа таълимотига асос солган бўлиб, мусулмон дунёсида шуҳрат қозонган аллома ҳисобланади.

Аллома ва унинг таълимоти ҳақида олимлар томонидан кўплаб илмий асарлар ёзилган. Жумладан, швейцариялик шарқшунос олим Ульрих Рудольфнинг «Ал-Мотуридий ва Самарқандда суннийлар теологияси» китоби энг яхши тадқиқот ва изланишлардан биридир. Анжуманда мазкур китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори, доктор А.Дибольд китоб ҳақида батафсил сўзлаб берди. Шундан сўнг, ал-Мотуридий ҳаёти ва таълимоти тўғрисида ўзаро баҳс-мунозара бўлди.

Қонун барча учун баробар

ИШ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА БЕРМАГАНИ УЧУН...

Мухбирларимиз Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Фурқат МАҲМУДОВ билан мулоқотда бўлиб, ҳуқуқий давлат қурилишида қонун устуворлиги, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

– Туман прокуратураси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари ходимлари билан яқиндан алоқада бўлиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши қатъий кураш олиб бораётирлар. Шу йилнинг ўтган 9 ойида туман прокуратураси ходимлари ҳудуддаги «Ширбуддин» ва «Отбозор» қишлоқ, 32 та маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлдилар. Уларнинг ариза ва шикоятлари, кўрсатилаётган хизматлар борасидаги эътирозларини эшитдилар, фуқаролар осойишталигини таъминлаш борасида йўл қўйиб келинаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини ўргандилар. Кўтарилган масалалар бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Уларнинг амалий натижасини ўтган йилнинг шу давридагига қиёслаганда жиноятларнинг умумий сони 9,8 фоизга, оғир турдаги жиноятлар 12,5, қасддан оғир тан жароҳати етказиш 33,3, безорилик 32,5, муқаддам судланганлар томонидан содир қилинган жиноятлар эса 12,5 фоиз камайганлигида кўриш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 март спиртли ичимликлар билан улгуржи ва чакана савдо қилинишини тартибга солиш тўғрисидаги қарорига биноан савдо шоҳобчаларига улгуржи ва майда савдо қилиш ҳуқуқи берилмаган бўлса-да, туман ҳудудидаги «Оятулло» хусусий фирмасининг бошлиғи Д.Муқимов, «Мурод Азим ўғли» хусусий фирмасининг бошлиғи А.Раҳматуллаев, «Миршод» фирмаси бошлиғи Х.Муродовлар «Шоҳруд» ароқ-вино ҳиссадорлик жамиятидан 20-25 млн. сўмлик спиртли ичимликларни олиб, бошқа корхона ва ташкилотларга пул кўчириш йўли билан улгуржи нархда сотиб юборганлар. Юқоридаги фирмалар бошлиқларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Прокуратура томонидан давлат ва нодавлат корхоналарида текширишлар сони камайтирилган ҳолда аниқланган камчиликлар юзасидан 18 нафар моддий ва мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, уларни кўриб чиқиш учун туман судига юборилган. Фуқароларнинг Конституциямизда белгилаб қўйилган меҳнат ва бошқа ҳуқуқларини камситилишига йўл қўйилган 156 та буйруқ прокурор протести билан қонун доирасида мувофиқлаштирилди. Аниқланган қонун бузилишлари ҳолатларини бартараф этиш борасида 80 та корхона ва ташкилот раҳбарларига амрномалар берилди. Меҳнат, молия, солиқ интизоми ва бошқа ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган 420 нафар фуқаро ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Шу текширишлар жараёнида бошқа корхона ва ташкилотлар фойдасига 100 млн. сўмдан ортиқ дебитор қарзлар, туман пенсия жамғармаси ҳисобига эса 22 млн. сўмдан зиёд тўловлар ундириб берилди. 166 фуқаро ва мансабдор шахслар ёзма равишда огоҳлантирилди.

— Ўзибўларчилик, хўжасизликка қарши олиб борилаётган фаолият ҳақида тўхталсангиз.

— Амалдаги йилнинг ўтган даври туман прокуратураси томонидан фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонун ижросининг бажарилиши, ишчи ва хизматчиларга корхона маъмуриятлари томонидан ойлик маошларнинг ўз вақтида берилиши, фуқароларнинг ариза ва шикоятларига билдирилаётган муносабатнинг аҳволи, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги Фармон ва қарорларининг ижроси, аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш масалалари ўрганиб чиқилди. Бу борада ўзибўларчилик, хўжасизлик, талон-торож, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган, кам таъминлаган оилаларга берилиши лозим бўлган маблағларни ўз эгаларига етиб бормаслик ҳолатлари мавжуд эканлигини аниқладик.

Республика Президентининг 1995 йил 12 май, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги дебитор ва кредитор қарзларни ундириб олиш борасидаги Фармон ва қарор талабларини ўрганиб чиқиш натижалари шуни кўрсатдики, тумандаги 205 корхонанинг 40 тасида дебитор қарзларни ўз вақтида ундириб олиш, кредитор қарзларни қонунда кўрсатилган муддатда тўлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу - корхоналар ҳисоб рақамларига маблағ ўз вақтида келиб тушмаганлиги натижасида ходимларнинг ойлик маошлари 2-3 ойлаб берилмасдан қолишига сабаб бўлган.

Иш ҳақларини ўз вақтида бериш чораларини кўрмаганликлари учун туман ҳудудидаги «Бухоросувмахсустаъмир» корхонаси бошлиғи А.Бахтеев, «Зардуз» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Х.Ғуломова, Бухоро автомобиль транспорти экспедиция комбинати ҳиссадорлик жамиятининг раиси А.Ибрагимов, «Соҳибкор» жамоа хўжалиги раиси А.Абдураҳмонов ва бошқаларга тегишли прокурор таъсир чоралари кўрилганидан кейингина бу борада аҳволни яхшилаш тадбирлари амалга оширилди.Корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилардан 155 нафар киши маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 1 миллион сўм миқдорида жарима ундириб олинди. Келгусида ходимларнинг иш ҳақларини ўз вақтида бериш лозимлиги уқтирилиб, 18 та корхона раҳбари расмий равишда огоҳлантирилди. Тўлов интизомини бузиб келганликлари учун «Нилуфар» хиссадорлик жамиятининг раиси Б.Файзиев, бош ҳисобчи С.Азимова, «Мевасабзавотнавуруғлари» ҳиссадорлик жамиятининг бошлиғи М.Муҳамедов, бош ҳисобчи В.Кадирметова, «Автосервис» таъмирлаш корхонаси бошлиғи Д.Раҳматов, бош ҳисобчи Н.Абдуллаева ва бошқалар маъмурий жавобгарликка тортилиб, тегишли жаримани ўз киссаларидан тўладилар.

— Суҳбатимиз бошида туман прокуратураси маҳалла фуқаролари йиғинлари билан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар, деган эдингиз. Ана шу ишлар сизни қониқтирадими?

— Ҳамкорлик йўлга қўйилган, у яхши натижалар бермоқда. Бироқ, ҳамма жойда ҳам бирдек эмас. Жумладан, «Отбозор» қишлоқ фуқаролари йиғини (раиси Т.Аҳмедов) ҳудудидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи бир неча фуқаро ўзбошимчалик билан ерларни эгаллаб олиб, юқори босимли газ қувури устига иморат қуришган. Фуқаролар йиғини эса бунинг оқибати нима билан тугашини билган ҳолда томошабин бўлиб турган. Бундай ҳолатлар бошқа қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ҳам мавжуд эканлиги аниқланиб, 40 нафар фуқарога нисбатан улардан ерларни қайтариб олиш юзасидан туман судига даъво аризалари юборилди.

Юқоридагилардан хулоса шуки, демак, барча соҳаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларинигина вазифаси бўлмасдан, балки бутун жамоатчиликнинг ҳам иши бўлмоғи лозим.

Суҳбатдошлар: Усмон НАВРЎЗ,
Абдунаби МАННОПОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

Бизнинг номзодлар

ИНСОН ҚАЛБИ МЕҲРГА ТАШНА

Ҳар қандай оиланинг бахтли, саодатли бўлиши, умрнинг осуда кечиши, рўзғорнинг бутлиги аввало хонадон соҳибасининг оқилалиги, саранжом-саришталиги, шукрона ҳаёт кечиришига кўп жиҳатдан боғлиқ. Агар аёл масъул вазифада ишласа, баъзи ўринларда муқаддас ташвишлардан ортмай қолса, уйдагилари уни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлашлари, рўзғор юмушларини зиммаларига олишлари инсон ҳаётининг яна бир муҳим жиҳатидир. Бу жиҳатдан қараганда, Тошкент вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова ўзидан тинган, бахтли хонадон соҳибаси. Умрдоши Анваржон ака, фарзандлари Шуҳратжон, Севарахон, келини Нодирахонлар қўлларидан келганча эъзозлашади, ҳурматини жойига қўйишади. Шу боис, у берилиб ишлаши, режали ишларини бемалол амалга ошириши мумкин.

Меҳнаткашлардан келаётган умидвор хатлар уни кўпроқ ўйлантиради. Ташкилотчилик кўрсатиб, одамлар мушкулини осон этишга интилади. Сўнгги йиллар давомида вилоят кенгашига 2671 та хат ва шикоятлар тушди. 1325 нафар даъвогар талаби қондирилди. Баъзида ҳориб-чарчаганингда касаба уюшма мутахассислари ёрдамида ишга тикланган, товон пулини олишга эришган кишининг «раҳмат, миннатдорман», деган сўзи қайта куч-қувват бахш этади.

Инсон ҳақида ғамхўрлик — касаба уюшмаларининг бош вазифасидир. Мақсадга эришишда қуйи бўғинлар билан алоқани мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада демократик жараёнларни изчил амалга оширишга ҳисса қўшишга эришилмоқда. Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган дастурга кўра хотин-қизларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатиляпти. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши хайрли ҳаракатларни вақтида илғаш, оммалаштиришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, вилоят автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда корхонада ишлаётган аёлларнинг маошини тўлиқ сақлаб, иш вақтини уч соатгача қисқартиришга эришди. Кимё саноати, геология, энергетика соҳаларида ишловчи, мактаб ёшидаги боласи бўлганларнинг иш ҳақи сақланган ҳолда бир кун ишдан озод қилиниши ҳам ана шундай эътибор намунасидир.

Меҳр-оқибатли халқмиз. Буни вилоят таълим-тарбия муассасаларида хизмат қилаётган кам таъминланган, кўп фарзандли, кам қонлик касаллигига чалинган аёлларга касаба уюшмалари томонидан моддий ёрдам кўрсатилганлиги шу фикрнинг далилидир. «Тошвилоятйўловчитранс» концернида «Аёл фонди» ташкил этилганлиги ҳам савобли ишларни кўпайтириш имконини бермоқда.

— Бозор талаби қатъий, буни қалбдан тушунишга, фаолиятни янгича талаблар асосига қуришга ҳаракат қиляпмиз, - дейди биз билан суҳбатда Муҳайё опа. - Раҳбар сифатида бир нарса мени чуқур ўйлантиради. Яъни, янги иш жойларини ташкил этиш дастури кўнгилдагидек бажарилмаяпти. «Бандлик» Дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Шунингдек, қатор ташкилотларда жамоа шартномасининг айниқса иш ҳақини ўз вақтида тўлаш билан боғлиқ бандлари бажарилмаётир. Демак, касаба уюшмалари мутасаддилари ўзларига нисбатан талабчанликни янада ошириб, қатъиятлик кўрсатишлари керак.

Ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг муҳим қиррасидир. Сўнгги уч-тўрт йил ичида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия вакиллари, тармоқ меҳнат инспекторлари томонидан бу борада муайян ишлар қилинди. Хусусан, 1732 корхона ва хўжалик назоратдан ўтказилиб, 20660 та қонун ва қоида бузилишларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди. Улар ўз самарасини берди. Бу каби камчиликларга йўл қўйган 43 мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 149 нафарига жарима солинди. Фойдаланиш хавфли бўлган 539 та дастгоҳ, ускуна ва цехлар иши тўхтатиб қўйилди.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан ўтказилган кўрик-танловларда фаол иштирок этди. Янгийўлдаги «Лаззат» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳайъати республика кўрик-танлови ғолиби бўлганлигини кўпчилик яхши эслайди. Бошланғич ташкилотлар жанговарлиги ошганлиги, кадрлар таркиби омилкор, ишбилармон ёшлар ҳисобига мустаҳкамланганлиги шарофати билан очиқ турдаги «Трансформатор» акциядорлик жамиятида, Бекобод автобус-такси саройи ҳиссадорлик жамиятида, «Кобул-Ўзбек ЛТД» қўшма корхонасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.



Тошкент вилоятида уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилардан 315 таси ва 600 нафар юрак хасталиги касаллиги билан оғриган кишилар бепул санаторийларга йўлланмалар билан таъминланибдилар. Дон ўрим-йиғими мавсумида қатнашган илғор механизаторлардан 30 нафари ҳар йили санаторийларда касаба уюшма йўлланмаси орқали ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

155-Тўйтепа сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод Муҳайё Тўлаганованинг орзуси эл корига яраш, одамлар мушкулини осон этишга имкон қадар ҳисса қўшишдир.

М. ҒОФУРОВ

Обуна - 2000

ГАЗЕТХОН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Биз касаба уюшмаларининг «Ишонч» газетасини мунтазам ўқиб борамиз. Унинг саҳифаларидаги «Ҳуқуқий маслаҳатхона», «Қонун барча учун баробар» рукни остида берилаётган савол-жавоблару мулоқотлар барчага манзур бўлмоқда.

Шу ўринда жамиятимиз тараққиётига тўғаноқ бўлаётган камчиликларнинг олдини олишда баъзи бир фикр-мулоҳаза, таклифларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Ҳалол, пок яшаб, фарзандларини ҳам шундай тарбиялаётган оила бошлиқларини бизнинг Сариосиё туманимизда ҳам кўплаб топиш мумкин. Лекин, яқинда мен Шарғун шаҳар 23-ғишт заводи корхонасида бўлдим. Корхона раҳбари Ҳамроқул Мингбоев маҳаллий ишчиларга муҳтож эканлигини, лекин билаги кучга тўлган йигитлар ўзларини енгил-елпи ишларга ураётганликларидан куйиниб гапирди. Шунда бозорларда сомсапазу - кабобпазлик қилаётган оғир меҳнат қилмасдан енгил даромад топсам, дегувчи йигитлар кўз олдимга келди. Уларнинг баъзиларини яқиндан танийман. Оиласи, ота-онаси турмуш тарзи билан танишман. Бугун мўмай пул топишга ўзини урган бундай ёшлар осмондан тушганлари йўқ. Улар худди ўзимизга ўхшаган кишилар фарзандлари. Ота-онасининг эгри йўл билан топган пулига данғиллама уй-жой қуриб, енгил машина сотиб олгани, етти маҳаллага овоза тарқатиб қиз узатиб,ўғил уйлантирганларининг гувоҳимиз. Тайёрга айёрлик руҳида вояга етиб, суяги қотган ёшларнинг меҳнат қилишга бўйни ёр берармиди?! Бунга энг асосий сабаб носоғлом оилавий муҳитдир.

Бинобарин, маҳаллалар, шаҳар ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари, меҳнат жамоаларидаги хотин - қизлар кенгашлари, жамоатчи фаоллар ўз фаолиятларини жонлантиришлари лозим. Ибратли оилаларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш мавзуида ижодий кечалар, учрашувлар ўтказиб туриш керак. Қайнона - келин муносабатига доирми, қизлар даврасидаги панду насиҳатларми, одобли ўғил - қизларни вояга етказган оқила - онани шарафлашми - бари эзгуликка хизмат этади. Меҳнаткаш оқил ўғил - қизларни вояга етказган ота - оналар учун маҳалла қўмиталари, меҳнат жамоалари, мактаблар номидан раҳматномалар эълон қилиниб, махсус мукофотлар таъсис этилса ва газеталарда айнан шу мавзуда махсус рукнлар очилиб доимий тарзда берилиб борилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Оила - фарзанднинг вояга етиб, мустақил ҳаёт йўлини танлашида бетимсол ҳаёт мактабидир. Бу бағри кенг дорилфунуннинг инсонга берадиган маърифати, таълим - тарбияси ўрнини ҳеч бир нарса боса олмайди.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ,
Сариосиё тумани, Шарғун шаҳар «Дўстлик» маҳалласи фуқаролари йиғини раиси.



Сурхондарё вилоятидаги 137-Ангор округ сайлов комиссияси раиси Қўшбоқ Тангриев ўз тажрибасини ишга солиб, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини намунали йўлга қўйиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Таъкидлашича, комиссия аъзолари дастлабки пайтдаги саboқлардан хулоса чиқариб, ташкилотчилик, изчиллик кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Суратда: Қ.Тангриев фаоллар билан ўзаро фикрлашмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Минтақавий семинар-кенгаш

Қаршида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида жойлашган округ ва участка сайлов комиссиялари раислари ва аъзоларининг семинар-кенгаши ўтказилди.

Республика Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари О.Дўстжонов бошқарган мазкур семинарда Олий Мажлис ва ҳокимият вакиллик органларига сайловларга тайёргарликнинг бориши, тарғибот-ташвиқот, номзодлар билан учрашувлар ўтказиш тартиблари, ишончли вакилларнинг ваколатлари каби масалалар муҳокама қилинди. Сайловларга тайёргарликнинг барча босқичлари ва сайловларни ўтказиш жараёнида сайлов ҳақидаги қонунлар ва Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномаларига қатъий амал қилиниши зарурлиги қайд этилди.

Семинарда «Сайлов қонунларини биласизми?» сўрови ўтказилди. Округ ва участка сайлов комиссиялари раислари ва аъзолари тарқатилган тест саволларига жавоб қайтарди.

Тўқимачилар анжумани

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулоти сифати ва рақобатбардошлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда мамлакатимиз тўқимачилик ва енгил саноатини янада ривожлантириш, янги техника ва технологияларни жорий этиш ва такомиллаштириш, машиналар назарияси ва машинашунослик муаммоларини изчиллик билан ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ХОМТАЛАШ»

Газетамизнинг шу йил 29 сентябр сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Қарши туман марказидан сал нарида жойлашган Хитойкенти маҳалла ҳудудидаги ёзги кинотеатр биноси материаллари хомталаш қилинаётгани, мутасадди ташкилотлар бунинг сабабини клубнинг хусусийлаштирилишига боғлаётганликлари, турли баҳоналарни рўкач қилавермасдан амалий ишга ўтилиши зарурлиги хусусида фикр-мулоҳаза, таклиф-истаклар билдирилган эди.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ижтимоий соҳа котибияти бошлиғи М.Гелдиева имзоси билан олинган жавобда маълум қилинишича, мақолада кўрсатиб ўтилган далиллар текширишда ўз тасдиғини топган. Ҳақиқатан ҳам мазкур клуб биноси таъмирталаб, жиҳозлари яроқсиз ҳолда. Клуб ишига масъул шахслар уни назорат қилмаганлари учун огоҳлантирилдилар.

Қарши туман ҳокимлиги зиммасига кинотеатр билан боғлиқ барча камчиликларни бартараф этиш, унинг фаолиятини йўлга қўйиш, маданий маскан атрофини тартибга келтириб ободонлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб, ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

Савол:

Ҳар йили оёқ кийимини бепул олар эдим. Шу йилнинг 5 октябрида Қарши шаҳрига буюртма бериш учун борганимда III гуруҳ ногирони эканлигимни билишгач 50 фоиз тўлайсиз, дейишди. Ҳисоблаб чиқиб бир жуфт оёқ кийими тўрт минг сўм бўлади дейишди. Ахир тўрт минг сўмга оёқ кийим олсам бошқа эҳтиёжларимни қандай қоплайман? Ўзим ногирон бўлсам. Бирор маслаҳат берсангизлар.

Венера Муртазина,
Косон тумани,
Охунбобоев кўчаси, 82-уй.

Жавоб:

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1999 йил 10 майда «Ўзбекистон Республикасида муҳтож ногиронларни протез ва ортопедия буюмлари билан таъминлаш ҳақида»ги 68-сонли буйруғи ишлаб чиқилди. Буйруқда «Ўзбекистон Республикасида муҳтож ногиронларни протез ва ортопедия буюмлари билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг янги таҳрири тасдиқланиши ва 1999 йил 1 майдан жорий этилиши назарда тутилган.

Йўриқноманинг 1.3-бандида протез-ортопед маҳсулотлари - ногиронлик гуруҳи бўлган барча фуқароларга, 16 ёшгача бўлган болалар ва 18 ёшгача бўлган ўқувчи ўсмирларга, саховат - мурувват уйларидаги болалар ва катталарга давлат бюджети ҳисобидан тиббий кўрсатмаси ва «прейскурант»га асосан бепул тайёрланиб берилиши кўрсатилган.

Шунингдек, йўриқноманинг 9.4-бандида ногиронларнинг хоҳишларига кўра хориж технологиялари асосида тайёрланган қимматбаҳо протез-ортопедия буюмлари учун вазирлик томонидан «прейскурант»да тасдиқланган пул миқдори тўланади ҳамда корхона томонидан белгиланган нарх ва «прейскурант» бўйича нарх ўртасидаги фарқ ногироннинг маблағлари (ёки ҳомий ташкилотлар) ҳисобига қопланиши шартлиги назарда тутилган.

Савол:

Эрим иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. 1982 йилда оламдан ўтган. Ўзим ҳеч қаерда ишламаганман. 1998 йил декабрда 2435 сўм, 1999 йил 1 январдан 2922, сентябр ойидан бошлаб эса 2100 сўм олиб келаяпман. Шу тўғримми?

Саодат Қиличева,
Гурлан тумани,
Гулистон жамоа хўжалиги.

Жавоб:

Сизга Гурлан туман ижтимоий таъминот бўлимида Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси «б»-бандига асосан пенсия тайинланган. Қонунда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хотинларига боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда қўшимча имтиёзлар назарда тутилмаган. Сизга вафот этган турмуш ўртоғингизнинг иш стажи ва ўртача ойлик иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда пенсия тайинланган. 1 август 1999 йилдан боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг кам миқдори - 1670 сўм қилиб белгиланган.Пенсия миқдорининг камайиб кетиши туман ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг пенсиянгизни қайта ҳисоблашда хатоликка йўл қўйганлиги оқибатида бўлиши мумкин.

Сиз туман ижтимоий таъминот бўлими мудирига ёзма ариза билан мурожаат қилишингиз керак. Улар қонун бўйича 10 кун ичида аризангизни кўриб чиқиб ёзма равишда жавоб беришлари шарт.

Савол:

1988-1990 йилларда армияда ҳарбий хизматни ўтаганман. Оилалиман, иккита фарзандим отасиман, II гуруҳ ногирониман. Чернобил атом электро-станцияси ҳалокатини бартараф этишда қатнашганман. Иккинчи фарзандим ногирон бўлиб туғилган. 1999 йил иккинчи марта ногиронлик нафақасига чиққанман. Ҳозирда 3499 сўм нафақа оламан. ЧАЭС ҳалокатида қатнашганлигим ҳисобга олинмаган. Ахир барча касалликларнинг келиб чиқишига сабаб ҳам шу-ку. Нафақа тўғри белгиланганми? Маслаҳат берсангизлар.

Зокир Раҳимов,
Пахтачи тумани,
«Зарафшон» ж /х, II гуруҳ ногирони.

Жавоб:

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йил 18 июлдаги 328-сонли Ногиронлик гуруҳини аниқлашда тиббий кўрсатма тўғрисидаги қўлланмага асосан ЧАЭС ногиронлари деб қуйидаги шахслар ҳисобланади:

— Чернобил ҳалокати оқибатида аҳолини кўчириш ишларида қатнашган ва нурланиш оқибатида касалланган фуқаролар;

— 1986-89 йилларда вақтинча сафарга юборилган ва Чернобиль авария ҳалокатини бартараф этишда қатнашган фуқаролар;

— Чернобиль ҳалокати даврида мажбурий ҳарбий хизматда бўлган фуқаролар ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган фуқаролар кейинги даврларда соғлиғи ёмонлашиб ногиронлик белгиланган тақдирда бу ногиронлик , ЧАЭС аварияси билан боғлиқ эканлигини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Демак, Сиз 1986-89 йилларда Чернобил ҳалокати аварияси бартараф этишда қатнашган бўлсангиз, ўзингиз яшаётган туман мудофаа ишлари бўлими орқали гувоҳнома олган бўлишингиз керак.

Соғлигингиз ёмонлашгани ногиронлик белгиланган вақтда ўша гувоҳномани ТМЭКга кўрсатишингиз лозим бўлади.

ЧАЭС ҳалокати ногиронлигини белгилаш вилоят ва Республика тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Ушбу қоидалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992 йил 16 июлдаги 338-сонли буйруғи ҳамда Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1992 йил 17 апрелидаги 610-сонли буйруғи билан ҳам тартибга солинган.

ВАЗИРЛИК БУЮРТМАСИ

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи ҳиссадорлик жамияти Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган танловда ғолиб чиқди. Шу сабабли вазирлик ўқув ашёлари ва мебеллари ишлаб чиқариш учун бу корхонага тўла ишонч билан буюртма бера бошлади.

Қисқа вақт ичида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўн бир миллион сўмлик ўқув парталари, кроватлар, стол-стулларга металл қопламалар тайёрлаб берилди.

Вазирлик ходимлари яқинда ушбу корхонада бўлиб, навбатдаги буюртма учун шартнома туздилар. Бу ўқув ашёлари касб-ҳунар ва махсус таълим республика маркази буюртмаси асосида кўплаб ишлаб чиқарилади.

ЯНГИ ДАСТУР ТАЖРИБАДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Болаларни ёшликдан таълим жараёнига жалб этиш осон иш эмас. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ўқув-тарбиявий ишларни олиб боришда ҳам педагогларимиз матонат кўрсатмоқдалар.

Болалар боғчаларида ўғил-қизларни мактабга тайёрлашга қаратилган янги дастурнинг юзага келиши нур устига аъло нур бўлди. Мазкур дастурнинг яратилишида Тошкентдаги 589-болалар боғчаси тарбиячилари жамоаси айниқса самарали изланди.

— Тўғри, янги дастур устида иш олиб бориш осон кечмади, - дейди боғча мудираси Муҳаббат Одилова. - Аммо, бизнинг боғчамизда яратилган шарт-шароитлар бундай мақсадни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ҳа, айтгандай, боғчада ҳозир турли тўгараклар ишлаб турибди. Инглиз тилини ўрганиш билан шуғулланаётган тўгарак машғулотлари болакайларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бундан ташқари рақс тўгарагига ҳам болалар завқ билан қатнашмоқдалар.

Бу ерда ўзбек, рус тилларидан олиб борилаётган машқлар ҳам кутилган натижани бермоқда.

Болаларни эстетик тарбиялашнинг қатор илғор усулларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бунда мусиқа таълими муҳим ўрин тутмоқда.

Мусиқага қизиқаётган истеъдодли болалардан тузилган мусиқа тўгараги томонидан тайёрланган томошалар ўғил ва қизларда завқ-шавқ уйғотмоқда. Хуллас, болалар масканидаги қулай муҳит болакайлар билан таълимий жараёнларни яхши йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Яқинда ана шу ўқув дастури ўз ниҳоясига етди. Шу муносабат билан боғчада тантана бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги боғча жамоасига яна бир катта ишонч билдирди. Янги дастурни синовдан ўтказиш учун мазкур болалар даргоҳи тажриба-намуна майдончаси этиб белгиланди.

Ишончимиз комилки, бу кузатишлар ҳам ўзининг яхши самарасини беради.

TV дастури

22 - 28 ноябргача

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 22

УзТВ 1
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 Лирик тароналар.
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёлғончилар қасри». Мультфильм.
10.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 Кундузги сеанс: «Диққат, тошбақа!» Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.35 Б.Назаров. «Ғафлат». Теленовелла.
13.15 «Сарҳисоб». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.10 «Баркамол авлод орзуси».
14.35 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши «Шарқ зарчашмаси».
14.50 «Изҳор». Мусиқий дастур.
15.35 «Сирдошим».
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Ўзлигинг намоён қил!» Экранда - Тошкент вилояти.
16.35 «Кўр музикачи». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Ҳа, Ҳа, Ҳа...» Ҳазил, Ҳажв, Ҳангома.
18.30 «Маслак ва мақсад». «Ватан тараққиёти» партияси.
19.00 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайловчи минбари».
21.25 «Бархаёт сиймолар». Ф.Мамадалиев.
22.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
22.25 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 100-қисм.
23.15 «Маънавият» дастури.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Оила сирлари». Бадиий фильм.
02.00-02.05 Ватан тимсоллари.

2
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Спорт майдончаси», Мультомоша)
18.35 «Ёшлар ва сайлов».
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Давр-интервью»
19.50 «Олтин мерос».
19.55 «Ёшлар» телеканалида.
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
19.30, 20.20, 20.50, 22.30 Эълонлар.
20.25 «ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.55 Футбол. Осиё Кубоги саралаш турнирида.
21.10 Мен овоз бераман.
21.15 «Дастхат». Равшан Комилов.
21.35 Дунёга йўл.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Бритиш-Американ Тобако: Ўзбекистон диёрида 5 йил.
22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.25 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
Футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
00.55 «Тонг юлдузи».

3 УзТВ
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 «Телефакт».
19.15 Эфирда-»Ватан тараққиёти» партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 87-серия (якунловчи)
20.10 «Бурч ва маъсулият».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Сиз соғинган наволар». Э.Жалилова.
22.20 «Бахмал». Телефильм.
22.45 «Индаба». Телесериал. 13-серия.
23.10 «Кўзгу».
23.45 «Спорт-тайм».
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.20 Кинонигоҳ. «Дарбадар автобус».
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV
РЖТ
7.30-9.00
*
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.40 «Тотли оғу».Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
*
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси (Австрия-Германия)
*
18.50 «Сиз кутган учрашув».
19.05 «Ит уяси». Телесериал.
19.30 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
19.40 «Будулайнинг қайтиши». Сериал. 2-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.50 «Дил изҳори».
*
22.00 «Махфий хужжатлар» (X-files)
*
23.50 Клип-антракт.
24.00 «Вести».
00.30 «ТВ -4 да Немис тўлкини».
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
01.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
15.00 та қадар профилактика.
15.05, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал (Венесуэла).
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Рэкет». Криминал сериал (Италия).
24.00 Мусиқий-дам олиш дастури.

СЕШАНБА, 23

УзТВ 1
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 100-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм.
11.35 «Бешбармоқ». Тележурнал.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Сайловчи минбари».
12.25 «Маънавият» дастури.
13.15 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
13.35 «Ўзбекистон диёрим». Мусиқий дастур.
«Умид» намойиш этади:
14.10 «Ўз касбининг усталари».
14.20 «Талабалар саҳнасида».
14.45 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Буюк ипак йўли. Бахши».
15.05 «Қишлоқ ҳаёти».
15.30 Куйлардан қўшиқларга.
16.00 «Фотима». Бадиий фильм.
17.35 «Элга кирсанг, элдек бўл»
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.30 «Маслак ва мақсад». Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази.
18.45 «Зилол». Мусиқий дастур.
19.00 «Мувозанат». Ахборат-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Теледебатлар.
21.45 «Санъаткор-саодати». Мусиқий дастур.
22.15 «Тарихнинг тилсиз гувоҳлари».
22.45 «Ўзлигинг намоён қил!» Экранда - Навоий вилояти.
23.15 «Ҳамкорлик риштапари».
23.35 «Ахборот».
00.05 «Четга оғиш ноль». Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

2
18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 100-қисм.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Давр-интервью».
19.50 «Ғазал соғинчи».
20.10 Парламент.
19.30, 20.25, 21.00, 23.40 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Ёшлар овози».
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 «02-тўлқинида».
21.45 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Агарда солиқчи келса?»
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Теннис.
00.40 «Шарқ эстрадаси».
01.00 «Янги тонг».

3 УзТВ
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда-«Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази».
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 1-қисм.
20.15 Кичик концерт.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёшлар ҳудуди». Мен сайловчиман.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Индаба» Телесериал. 14-серия.
23.10 «Суҳбатдош».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Фирибгарлар найранги».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV
РЖТ
7.30-9.00
*
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». «Миллий тикланиш» демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».
18.55 «Сени излайман».
19.40 «Будулайнинг қайтиши». Сериал. 3-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Ит уяси». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22:30 «Вести».
23.00 «Спорт-клуб».
23.15 Кинематограф: «Кардобалет». Бадиий фильм.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал (Бразилия).
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!».
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Рэкет». Криминал сериал.
24.00 Мусиқий-дам олиш канали.

ЧОРШАНБА, 24

УзТВ 1
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб». Мусиқий дастур.
9.15 «Оқ қарқара». Мультфильм.
9.35 «Инсон - ҳаёт гултожи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Севимли созим».
10.35 Кундузги сеанс: «Бор экан-да , йўқ экан». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 Теледебатлар.
12.45 Ўзбек куйларидан концерт.
13.15 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
13.30 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
14.10 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
14.40 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Ўсимликлар дунёси».
14.50 «Талаб ва таклиф».
15.10 «ТВ ва социология».
15.30 «Жаҳон спорти».
15.40 «Вақтинг кетди...»
16.00 «Шаҳар таронаси». Бадиий фильм.
17.35 «Ифтихор».
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Кичкинтоймиз, гижингтоймиз»
18.25 «Ўтмишдан садолар»
18.40 «Мулкдор».
19.00 «Эл тинчлиги йўлида».
19.00, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сайловлар ва биз». Телекўприк.
21.45 «Дил тароналари». Концерт.
22.05 «Қонун ва биз».
22.35 «Ойдин боғ».
22.55 «Умид» сафарда.
23.25 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 101-қисм.
00.15 «Ахборот».
00.45 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм.
02.00-02.05 Ватан тимсоллари.

2
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Қувноқ учрашув», Мультомоша)
18.40 «Рақслар қанотида».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Давр-интервью». Сайлов ва биз.
19.50 Ёшлар куйлайди.
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Лаззат».
19.30, 20.30, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Далил ва шарҳ». Менинг номзодим.
20.50 «Ракурс».
21.10 Мусиқий лаҳзалар.
21.15 «Эркин фикр». Теледебат.
21.45 Мусиқий лаҳзалар.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Интерфутбол.
00.45 «Хит-коллекция».
01.05 «Хайрли тун!»

3 УзТВ
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 «Осойишталик посбонлари».
19.15 Эфирда-Ҳокимият вакиллик органлари.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 2-қисм.
20.15 «Чоршанба-муродбахш кун».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 «Маржон».
22.10 «Мусоҳаба».
22.20 «Қизилўнгач казарка». Телефильм.
22.45 «Индаба». Телесериал. 15-серия.
23.10 «Моҳир».
23.45 «Хайрли оқшом».
00.15 Оҳанглар ва эълонлар.
00.25 Кинонигоҳ. «Лигурия воқеаси».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV
РЖТ
7.30-9.00
*
15.05-16.05 Туркия телевидениеси
*
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». «Ватан тараққиёти» партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».
18.55 «Инсон ва қонун».
19.40 «Будулайнинг қайтиши». Сериал. 4-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.50 «Ит уяси». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Океан ортига саёҳат. Япония».
23.15 Кинематограф: «Ғаройиб бомба». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киноcеанс.
15.30 «Дунё шаҳарлари». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!».
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «30-канал»да премьера. «Федерал полиция». Детектив сериал (Австралия).
24.00 Мусиқий-дам олиш канали.

ПАЙШАНБА, 25

УзТВ 1
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Устоз».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 101-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Фавқулодда 20 дақиқа».
10.25 Кундузги сеанс: «Шимол ёғдусини ёқинг». Бадиий фильм.
11.40 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
12.05 «Сайловлар ва биз». Телекўприк.
12.45 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.05 Болалар учун. «Қўғирчоқлар жонланганда».
13.30 «Меҳр қолур, муҳаббат қолур». Мусиқий дастур.
14.10 «Қирол Лир». А.Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.35 «Инсон ва қонун»га хатлар.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.
17.20 «Мен туғилган тупроқ».
17.35 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд - умид юлдузи».
18.30 «Маслак ва мақсад». «Адолат» социал-демократик партияси.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!» Публицистик кўрсатув.
21.40 «Яхшиларга ёндошиб...» Ўзбекистон халқ артисти К.Раҳимов.
22.20 «Сомон йўли».
22.50 «Кулгу-терапия».
23.25 «Ахборот».
23.55 «Фитна». Бадиий фильм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

2
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 101-қисм.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Давр-интервью».
19.50 «Олтин мерос».
19.55 Мен овоз бераман.
20.00 «Ёшлар» телеканалида.
20.05 «Мезон».
19.30, 20.20, 20.50, 22.30 Эълонлар.
20.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.55 Мусиқий лаҳзалар.
21.00 «Мутойиба».
21.25 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 Давр. Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Интерфутбол. 2.Спорт қитъаси.
01.15 «Хайрли тун!»

3 УзТВ
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда-»Адолат» социал-демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 3-қисм.
20.20 «Манзарали фильм».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Мусиқий кўрсатув.
21.45 «Сўзсиз монолог». Наби Раҳимов хотирасига бағишланади.
22.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.45 «Индаба». Телесериал. 16-серия.
23.10 «Саховат».
23.20 «Бухорохонгул кийиги!». Телефильм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Зирапча».
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV
РЖТ
7.30-9.00
*
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Сайлов-99».
19.00 «Уорлднет» янгиликлари.
19.10 «Кино сайёраси».
19.25 «СНН-шоу».
19.40 «Будулайнинг қайтиши». Сериал. 5-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.45 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.55 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф. «Жаноб чапани йигит». Бадиий фильм.
1.15 «Ахборот» (рус тилида)
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Объективда ҳайвонлар». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Федерал полиция». Детектив сериал.
24.00 «Дўстлар даврасида». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЖУМА, 26

УзТВ 1
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Опера санъати саҳифаларида».
9.10 «Ибн Сино таълимоти».
9.30 «Яхшиликдан фойда борми?» Мультфильм.
9.40 «Ватанпарвар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.30 Кундузги сеанс: «Қойилмақом жиноят». Бадиий фильм.
12.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!» Публицистик кўрсатув.
12.40 «Болалигим - пошшолигим».
13.00 «Осон эмас бу майдон ичра».
13.25 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
13.40 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10 «Қирол Лир». А.Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
15.30 «Сомон йўли».
16.00 «Камарбаста аёллар».
16.15 «Шарқ тароналари».
16.35 «Кодекс»
16.50 «Ганга қизи». Бадиий фильм.
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 «Маслак ва мақсад». «Фидокорлар» миллий демократик партияси.
19.00 Бир жуфт қўшиқ.
19.10 «Ишончли ҳамкор». Банклараро телетанлов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз - гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Теледебатлар.
21.45 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
22.20 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
22.40 «Ёнимиздаги одам». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.05 «Ахборот».
23.35 «Ўн учинчи қайлиқ». Бадиий фильм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

2
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Дунё ва болалар», Мультомоша)
18.40 «Ёшлар ва маънавият».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Давр-интервью». Сайлов ва биз.
19.50 «Олтин мерос».
19.55 «Ёшлар» телеканалида.
20.00 «Аср қиёфаси». «Сайловлар даври». Телекўприк.
20.15 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
19.30, 20.25, 20.55, 23.45 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.15 «Қизим, сенга айтаман...»
21.35 Фотостудия «Ёшлар».
21.50 Мен овоз бераман.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
1.»Ринг қироллари». 2.Футбол. Осиё Кубоги саралаш турнирида.
23.45 Синема. «Мерлин».
2.35 «Мунаввар тонг истаб».

3 УзТВ
8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 «Кўнгил тароналари».
9.30 Болажонлар экрани. «Финист-сарлочин».
10.45 «Онагинам».
11.10 «Мусиқий меҳмонхона».
11.25 «Ёввойи табиат».
12.15 Аёллар йилига «Севги васфи», «Увайсий» миллий рақс томошалари.
13.45 «Спорт оламида» .
14.00 Кинонигоҳ. «Зирапча».
15.25-15.40 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Қуралай».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда-»Фидокорлар» миллий демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 4-қисм.
20.20 «Учқора». Телефильм.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саломатлик чорраҳаси».
21.20 «Шеърий лаҳзалар».
21.45 «Рақслар жилоси».
22.10 «Фаровонлик бекати».
22.45 «Индаба». Телесериал. 17-серия.
23.05 «Ёшлар куйлаганда_»
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Ниқоб».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV
РЖТ
7.30-9.00
*
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16:10 «Сайловлар ва биз». Ҳокимият вакиллик органлари.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
*
18.50 «Бу ажиб дунё».
19.05 «Уорлднет» янгиликлари.
19.15 «Дурдаршан».
19.35 «Дил изҳори».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 Время.
*
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.40 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.50 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф: «Шерик». Бадиий фильм.
01.25 «Ахборот» (рус тилида)
01.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 01.40 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Муқаддассан, аёл». Аёллар учун кўрсатув.
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Сериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Федерал полиция». Детектив сериал.
24.00 «Бедорлик».

ШАНБА, 27

УзТВ 1
6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Хидоят сари»
9.35 «Ҳаёт чашмалари».
9.55 Телевизион миниатюралар театри.
«Умид» намойиш этади:
10.30 «Соғлом авлод учун»
10.50 «Табассум кўчаларида».
11.30 «Нотаниш дил суҳбати».
11.50 «Ўзбек спортининг нуфузи».
12.05 Теледебатлар.
12.45 «Ёзувчилар-болаларга».
13.15 «Умр ўтмоқдадур». Ф.Умаров.
13.45 «Эр-хотин қўш ҳўкиз». Ҳажвий теленовелла. 1-қисм.
14.15 «Илм олами: XXI аср бўсағасида».
14.35 «Бўстон». Тележурнал.
15.05 «Сайқал».
15.25 «Ўйла, изла, топ!» Телемусобақа.
16.00 «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадиий фильм.
17.20 «Буни умр дерлар».
17.40 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
18.00 «Фламинго». Кинокўрсатув.
18.15 Болалар учун. «Қувноқ дақиқалар»
18.30 «Маслак ва мақсад». Халқ демократик партияси.
19.00 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Мусиқий дастур.
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мунозара».
21.45 «Оталар чойхонаси». Мусиқий - дам олиш дастури.
22.45 «Қишлоқ ҳаёти».
23.10 «Саҳна ҳаёти».
23.35 «Ахборот».
00.05 «Куй ва тасвир».
00.25 «Парадизо» кинотеатри». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
02.15-02.20 Ватан тимсоллари.

2
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 100-қисм.
10.35 «Ёшлар» телеканалида.
10.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
11.00 «Тил ва дил».
11.25 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.45 Ёшлар куйлайди.
12.00 «Ракурс».
12.20 «Рамаяна». Телесериал.
12.55 Мен овоз бераман.
13.00 «Рақслар қанотида».
13.20 «Ёшлар овози».
13.45 Шу куннинг мавзуси.
14.05 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
14.50 Мусиқий глобус.
15.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Теннис.
16.10 «Ёшлар» телеканалида.
16.15 Синема.
17.40 Сенинг вақтинг.
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («У ким, бу нима», Мультомоша)
18.35 «Дилбарим».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Кинотақдим».
19.50 Мен овоз бераман.
19.55 «Матбуот».
20.05 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Бизнес-академия.
20.30, 21.10, 23.10 Эълонлар.
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.15 «Баҳс, мунозара, таҳлил»
21.35 «Кутилмаган меҳмон».
21.55 Каталог.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Эколаш. Энг зўр ўнталик.
22.45 «Ёшлар» телеканалида.
22.50 Мусиқа теграсида.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Интефутбол.
00.40 Синема.
2.10 «Хайрли тун!»

3 УзТВ
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 Болажонлар экрани. «Суяксиз бола» .
10.40 «Ёшлар ҳудуди». «Мен сайловчиман».
11.10 «Бева Бланка». Телесериал.
11.55 «Муаллиф».
12.25 Кинонигоҳ. «Ниқоб».
14.05 «Олам».
14.25 Болалар учун «Ўйинленд». Телеўйин.
14.50 Такрорий фильмлар экрани. «Дарбадар автобус».
16.25 «Дўстлик» видеоканали. «Бизнен мирас», «Сахий хонадонда».
17.10 «Телефакт».
17.20 «Спорт-тайм».
17.45 «Жозиба».
*
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Сеҳрли сандиқча».
18.20 Бугун Сиз билан «Шанба дастури».
18.25 «Янги ой чиққан кеча».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 «Даромадли дараклар».
19.15 Эфирда-Халқ демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 5-қисм .
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Меҳр нури».
21.20 «Сиз соғинган наволар».
21.55 «Даллас». Телесериал.
22.45 «Оқшом инъоми». Дам олиш дастури.
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ. «Жазо босқичи».
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Болалар олами».
9.20 «Кино сайёраси» .
9.35 «Дурдаршан».
9.55 «СНН-шоу».
10.10 «Океан ортига саёҳат. Япония».
10.25 «ТВ-4да Немис тўлкини».
10.40-11.55 Кинематограф: «Бадди». Бадиий фильм.
***
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.25 «99 йил қўшиқлари».
18.55 «Бу ажиб дунё».
19.10 «Дил изҳори».
19.20 «Бойвачча Рич». Кинокомедия.
21.00 «Время».
*
22.00 «Биргаликда куйлаймиз».
22.45 Кинематограф: Уилл Смит «Жамият душмани» фильмида.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
01.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.30, 20.20 — «Клип-фотосовғача» танлови.
11.40 «Клип-совғача».
12.00 Тушки кино.
14.15 Мусиқий дастур.
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «Мусикроунд». Мусиқий-дам олиш дастури.
18.30 «Хуржунсиз сафар».
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.10 Мусиқий дастур.
24.00 «Бедорлик».

ЯКШАНБА, 28

УзТВ 1
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Шарқнинг машҳур аёллари».
9.20 «Қўшиқ билан қўраман оламни». Мусиқий дастур.
9.45 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Шинаванда бола». Телешоу.
11.30 «Шоҳруҳ» клуби.
12.00 «Мунозара».
12.40 «Муштарак оҳанглар». Мусиқий дастур.
13.10 «Эл тинчлиги йўлида».
13.35 «Эр-хотин қўш ҳўкиз». Ҳажвий теленовелла. 2-қисм.
14.05 «Кўзгу».Тележурнал.
14.35 «Аруз гулшани».
14.45 Кундузги сеанс: «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
16.45 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
17.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Санъат олами».
18.30 «Маслак ва мақсад». Миллий тикланиш демократик партияси.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
21.50 «Халқнинг кўнгли».
22.10 «Интерспорт».
22.25 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
23.35 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси»
23.50 Кино янгиликлари.
00.05 Ўзбек киноси ижодкорлари.
00.25 «Яна ўша Насриддин». Телевизион бадиий фильм.1-2 сериялар. (Ўзбектелефильм)
02.05-02.10 Ватан тимсоллари.

2
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади:
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
Телесериал 101-қисм.
10.35 «Ёшлар» телеканалида.
10.40 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
10.50 «Дунёга йўл».
11.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. «Ринг қироллари».
12.10 «Лаззат».
12.30 «Рамаяна». Телесериал.
13.05 «Мезон».
13.20 Мен овоз бераман.
13.25 «Мутойиба».
13.50 «Эркин фикр». Теледебат.
14.20 Мусиқий дастур.
14.35 Цирк, цирк, цирк...
14.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
15.10 Мусиқий лаҳзалар.
15.20 «Синфдош».
15.40 Компьютер-Азия.
16.00 Синема.
17.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий кўрсатув.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазифаси», Мультомоша)
18.40 Спорт хафтаномаси.
19.00 Мусиқий лаҳзалар.
19.10 «Ёшлар» телеканалида.
19.15 «О, ёшлигим» .
19.35 «Хаёл».
19.55 Мен овоз бераман.
20.00 «Давр». Ҳафта ичида.
20.40, 21.20, 23.10 Эълонлар.
20.45 «Рамаяна». Телесериал.
21.25 Якшанбада кўришгунча.
21.45 «Обид-шоу».
22.30 Бу мунис лаҳзалар.
22.50 «Олам футболи».
23.10 Синема: «Долорес Клэйборн»
1.20 «Хайрли тун!»

3 УзТВ
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.55 «Таянч».
10.20 «Дилором наволар»
10.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.55 Болажонлар экрани. «Бах ва Брокколи».
12.30 «Дурдона».
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Туризм ҳақида».
14.05 Кинонигоҳ. «Жазо босқичи».
15.35 «Комилжон Отаниёзов куйлайди». Фильм-концерт.
16.10 Такрорий фильмлар экрани. «Фирибгар найранги».
*
17.50 «Ойнаи жаҳонда».
18.05 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «XXI аср авлодлари».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда-»Миллий тикланиш» демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 6-қисм.
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.25, 21.10 Эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Ибрат».
21.40 «Даллас». Телесериал.
22.30 «Нуроний». Маросимлар хақида ўйлар.
22.50 «Етти иқлим оҳанглари».
23.10 «Хориж ҳангомаси».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. «Полиция академияси».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили).
11.30-12.15 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Тенгдошлар»
18.25 «Кинопрофи».
18.45 «Аёллар билан содир бўлган воқеалар».
19.20 Жан Клод Ван Дам «Қийин ўлжа» фильмида.
20.45 «Дил изҳори».
20.55 «Британия кундалиги».
21.10 «Интернет худуди».
21.25 «Мюзик-холл».
21.45 «Бу ажиб дунё».
22.00 «Буржлар башорати».
23.00 Якшанба кинозали. Лаки страйк намойиш этади: «Енгилмас».
00.50 «Таҳлилнома» (рус тилида)
01.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг».
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.30, 20.20 — «Клип-фотосовғача» танлови.
11.40 «Клип-совғача».
12.00, 14.10 — Тушки кино.
15.00 «Оилавий кино».
16.40 «Брейн-ринг»(
17.35 «Юлдузлар майдончаси».
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал.
20.30 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да якшанба кинооқшоми.
24.00 «Жаҳон ринги юлдузлари 30-да».

Ғурур

ЭРК ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ёки миллат қалбининг тарихи

Инсон қалбининг тарихи ёзилгудек бўлса, у муҳаббат ва эрк тарихидан иборат бўларди. Кўнгил коинот ва барча оламларнинг тожи. Уни шу қадар юксак айлаган муҳаббат ва эрк туйғусидир. Зеро, озодликда муҳаббат, муҳаббатда ҳурлик мужассам.

Одамзоднинг энг биринчи айтган қўшиқлари муҳаббат ва эрк ҳақидаги қўшиқлар бўлса, ажабмас. Тўғрироғи, одам муҳаббатни, эркни қўшиқ қилмаса, қалбга сиғдиролмаган. Инсониятнинг, кўнгилнинг ёши нечада бўлса, бу туркум қўшиқлар ҳам шунча ёшда, шунча қадимий: шунча йилни, шунча йўлни босиб ўтган. Озодлик соғинчи кучайган сайин туйғулар шунчалик таранглашган, қўшиқлар шунчалик теранлашган.

«Алпомиш» тарихи узун муҳаббат ва эрк ҳақида дилбар қўшиқдир.

Қуш осмонга, балиқ денгизга, оҳу кенгликларга талпинганидек, инсон эркка интилади. «Алпомиш» ана шу талпиниш, ана шу интилиш, ор-номус, ғурур, жўмардлик, эзгулик ва яхшиликка садоқат, дўстга шафқат, душманга шафқатсизлик ҳақидаги жўшқин қўшиқ, миллатимиз қалбининг тарихидир.

«Кеча ва кундуз», «Ўтган кунлар» сингари миллат китоблари қатоғон қилинган йилларда «Алпомиш»ни ҳам хотирадан сидириб ташлаш учун мустабид тузумнинг қонли қўллари ҳаракатга келди. Достон эса қасдма-қасд тилладан тилларга, дилдан дилларга кўчаверди.

— Ўша йиллари, - дея ҳикоя қилади умр бўйи қишлоқ мактабида ўқитувчи бўлган Эргаш бобо Янгибоев, - тўйларда бахшиларнинг достон айтишига ҳам йўл қўйилмасди. Мабодо, битта-яримта юраги ботир бахши «Алпомиш»ни айтиб қолса, одамлар томларга, ғўзапоя ғарамларига чиқволиб эшитишарди. Катта давра олиб ўтириларди. Етти ёшдан етмиш ёшгача шу даврага талпинар эди.

Эрксизлик бўғиб қўйган одамлар, назаримизда, «Алпомиш» тимсолида эркка, ҳурриятга талпинганлар. Достонда куйланган тоза ҳаволардан тўйиб-тўйиб нафас олишни, жиллақурса афсоналарда озодликнинг «таъмини» ҳис этишни исташган.

Ҳакимбекни инсоний орият, ўз шахд-шиддати зиндондан қутилтирган бўлса, Мустақиллик «Алпомиш»ни шўроларнинг катта зиндонидан ёруғликка олиб чиқди, достон зиндондан чиқди! Шўролар замонида бир даврагина одам яширинча эшитган «Алпомиш»нинг яралганини куни кеча бутун мамлакат, бутун халқ тўй қилди. Достоннинг бахти, иқболи шундаки, унинг тўйи бир кунлик ёки бир муддатлик эмас, балки мунтазам ва давомийдир. Бунинг учун у мустақилликни, тўй бошини кўпдан-кўп алқаётгандек туюлади.

«Алпомиш» айрим бадиий асарлардек дам олиш пайтларида ёки уйқу олдидан ўқиладиган китоб эмас. У барча ватандошларимизнинг қалбидан жой олиши, дил мулкига айланиши лозим бўлган асар. Уни оналар бешик ва беланчаклардаги болаларга алла каби айтсалар арзийди. Шунда достон қаҳрамонларининг ғурури болаларнинг руҳи, қалби ва қонига она алласи билан сингади. Шунда фарзандларимиз мағрур, бошларини баланд тутиб яшайдиган бўладилар. Орият инсоннинг шахсий кўркигина эмас. Ватанни, мустақилликни ғурурли инсонлар ҳимоя қилади. Ҳамиятсиз киши нафақат юртни, ўзини, хотин, бола-чақаларини-да ҳимоя қила олмайди. Ғурур бўй-баст, келбат, билакдаги куч эмас, юрак қудрати билан ўлчанади. Одам ҳар қанча келбатли бўлмасин, орияти суст бўлса, осон сотилади, хиёнат кўчасига осон киради. Ундайлар учун ота-она, эл-юрт, инсонлик шаъни-да муқаддас бўлолмайди.

«Алпомиш»да нафақат достон қаҳрамонларининг, балки бутун халқимизнинг умумлашма қиёфаси, феълатвори, тафаккури, руҳияти акс этган. Тафаккур тарихи ва тараққиёт босқичлари намоён бўлган. Унда халқимизнинг дунёни, ўзини билиш ва англаш сари қўйган қадамлари, жараёнлари мужассамдир. Айни пайтда, Алпомиш — идеал. Ота-оналар фарзандларининг Алпомишдек баҳодир, ориятли, юртпарвар бўлиб етишишини исташади. Бу ҳақда Термизда Алпомишга қўйилган ҳайкалга таъриф бера туриб, юртбошимиз шундай дея таъкидладилар: **«Кўз ўнгимизда енгилмас, жасур Алпомиш ўз уйи, ўз ёри, ўз юртини ёвуз ниятли ғанимдан ҳимоя қилмоққа шай бўлиб, шижоат ва қатъият билан қад ростлаб турибди. Унинг тимсолида Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз — бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфаси мужассам».**

«Алпомиш» юракларимизда қудратимизга, кучимизга ишонч ҳиссини тарбиялайди. Алоҳида инсон ва ягона миллат сифатида қудратли, шон-шавкатли, тарихимиз ҳам, истиқболимиз ҳам буюк эканлигига имонимизни комил қилади. Шахс ўз кучига ишонгандагина яратувчи, бунёдкор, дўқ-пўписалардан довдирамасдан, қийинчиликлардан чўчимасдан, ҳар қандай ғаразли муносабатга кўрқмасдан муносиб жавоб қайтара олади. Шахсга айланади.

Шу ўринда, кўп такрорланган бўлса-да, атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор айтган ривоятни эсламоқ жоиз. Филни оёғидан занжир билан боғлаб қўйишган экан. У юз йил мобайнида бир жойда, бир доирада айланаверибди. Юз йил ўтиб занжир чириб узилганида эса озод бўлганини англамай, яна бир жойда айланаверараркан. Қаранг, филдек қудратли жониворда ҳам ўз кучига ишонч ҳисси йўқолса, тобеликка, қулликка маҳкум бўлиб қоларкан.

— ...Алпомишга ҳавас қилишгани яхши. Болаларда ҳавас уйғотиб, уларни «Алпомиш»нинг маъно-мазмуни билан тарбиялаймиз. Ахир, юртга алпомишлар хизмат қилади, эл-халқни алпомишлар қўриқлайдику, - дейди қизириқ туманилик ўқитувчи Қурбон Тўхтаев.

Достонда ўзаро бўлинишларга, миллий тарқоқликка қарши руҳнинг кучлилиги унинг нафақат бугунги кун, балки барча замонлар учун аҳамиятини оширади. Бундай бўлинишлар эл-юрт бошига уруш, қирғин, очлик, таназзул олиб келиши асарда қайта-қайта уқтирилади. Ҳаётий ҳақиқат шундаки, халқимизнинг тарихидан бунга кўплаб мисоллар топиш мумкин. Бир элнинг икки сардори Бойбўри ва Бойсари ўртасида чиққан низо достондаги, яъни ҳаётдаги бутун зиддиятларни юзага келтиради, Алпомиш ва Барчиной бошига қанча машаққатлар солади. Оталарнинг хатосидан фарзандлар азият чекади. Достонни миллий бирликка даъват дейиш мумкин. «Элдан эл кетса, элнинг бахти кетгани, элга эл қўшилса, элнинг насибаси» дейилади асарда. Бу руҳ, бу ғоя бугунги кунда ҳам ғоятда долзарбдир.

Достоннинг бутун мазмуни, хусусан «Шайланса ўзади ўзбекнинг оти», «Ўзбек паҳлавонининг кучига қойил бўлсам, ўзбек қизининг мардлигига қойил бўлдим» ва бошқа шу йўсиндаги оҳанглари ҳар бир миллатдошимизнинг руҳини кўкларга кўтаради.

Сирасини айтганда, миллий ҳамжиҳатлик фуқаролар тотувлигининг, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асосидирки, шундай жамиятдагина ривожланиш ва тараққиёт кафолатланади.

Шу каби боқий фазилатлар мавжудлиги учун мазкур асарга бутун дунё эътибор қаратди ва муносиб баҳо бермоқда. Достонни немис тилига ўгирган Карл Райхл: «Алпомиш» нафақат ўзбекларнинг миллий асари, балки турли халқлар адабиётига, жумладан Европа адабиётига таъсир қилган асар ҳисобланади. Истардимки, Алпомишга ўхшаган қаҳрамонлар ўзбеклар орасида янада кўпайса. Улар халқларни янада яқинлаштириш учун курашса», - дейди.

Юқоридаги мулоҳазалар «Алпомиш»нинг эркинлик, орият ҳақида янгроқ қўшиқ эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Ушбу достон яратилганлигининг халқаро тадбир сифатида ўтказилишидан мақсад шу қўшиқни ҳамюртларимиз қалбига чуқурроқ сингдиришга йўналтирилган. Эркинлик Шахс камолоти учун зарур бўлган дастлабки ижтимоий ҳодиса. Иккинчи ва энг муҳим ижтимоий ҳодиса мавжуд эркинликдан қандай фойдаланиш масаласидир. Истиқлол, озодлик, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги учун янгидан янги имкониятлар очган тақдирдагина бебаҳо қадриятга айланади. Зотан, мустақиллик моҳияти ва эркинлик ҳақида ўйлаганда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида таъкидланган фикр беихтиёр хаёлга келади: **«Биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир».**

Алпомишнинг бугунги авлодлари, бугунги алпомишлар ўзларининг мустақиллик берган ҳуқуқларини чуқур англаб етишларига, ўз ҳаётларини шу ҳуқуқ асосида қуришларига имонимиз комил.

Салим АШУРОВ



Олий тоифали ўқитувчи Комилжон Мансуров йигирма йилдирки, Тошкент шаҳридаги 63-мактабда ёшларга расм ва чизмачиликдан сабоқ беради. У нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари пайтлари ҳам ўқувчиларни турли рангларда товланувчи бўёқлар сиридан, шарқона безаклар ва қадимий нақшу нигорлар асроридан хабардор этмоқда.

Суратда: Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Комилжон Мансуров ўз шогирдлари билан.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ ЖАҲОН ҲИМОЯСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Болалар Ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Конвенциянинг қабул қилинганлигига 10 йил тўлди.

Шу муносабат билан БМТнинг ЮНИСЕФ халқаро Болалар жамғармасининг Ўзбекистон ваколотхонаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда республика Болалар жамғармаси ҳамкорлигида Республика ўқувчилар саройида ўзига хос тадбир ўтказилади.

- Дунё аҳолисининг сони 6 миллиарддан иборат бўлса, унинг учдан бирини, яъни 2 миллиардини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ёш авлоднинг барча ҳуқуқлари мазкур Конвенцияда мустаҳкам белгилаб қўйилган. Ушбу тадбирда ҳам мингдан ортиқ болалар иштирок этади. Уларнинг кўнглига қувонч бағишлаш мақсадида республикамизнинг, қолаверса, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Польша, Болгария, Корея ҳамда Қозоғистон каби бир қанча мамлакатлар миллий маданий марказларининг бадиий жамоалари ҳам қатнашади, - деди ташкилий қўмита аъзоси, республика ўқувчилар саройи директори Олия Иброҳимова «Туркистон - пресс» мухбирига. - Шунингдек, ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Руди Родригес ҳамда республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев каби бир қатор раҳбарлар ҳам болаларни қутлаш учун байрамга келишади.

Байрамда ёш рассомлар кўргазмаси ташкил қилиниб, унда республикамизнинг турли вилоятидан келган ёшлар ҳамда япониялик, ҳиндистонлик рассом болалар билан бирга ногирон болалар ҳам ўз асарлари билан қатнашмоқда.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:

Болалар ҳуқуқлари Конвенцияси 1989 йили Вашингтонда БМТ Бош Асамблеяси томонидан қабул қилинган. Мазкур Конвенциянинг аҳамиятга молик томони шундаки, у дунё болаларининг эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ҳар жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаб келмоқда. Айни пайтда уни 190 та мамлакат тан олган бўлиб, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳам шулар қаторидан ўрин олди.

«Туркистон - пресс»

Дунёда ҳар хил одамлар бор: кимдир пешона тери билан топилган пулини эл корига яратиб, умрини безайди. Ибратли ишлари билан халқ қалбидан жой олган шундай инсонлардан бири Абдусаттор Рашидовдир. У раҳбарлик қилаётган Пскентдаги «Ёқуббек» корхонаси асосан ғишт ишлаб чиқаради. Режа билан қилинган ишнинг натижаси ҳам самарали бўлади. Абдусаттор Рашидов ўз ҳисобидан чиройли, шинам биноларкуришни умрининг мазмуни деб билади.

Суратда: «Соғлом авлод учун» профилактор ийсининг умумий кўриниши.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

СОФ ЭКОЛОГИК ТОЛА

Ўзбекистон геолог олимлари самарали изланишлари билан базальт толаларини саноат асосида ишлаб чиқариш учун мустаҳкам хомашё негизи яратилди. Тошкент вилоятининг маданият қўрғонида янги бунёд этилган Тошкент тажриба-саноат корхонаси ўта пишиқ ва қиммат турадиган базальт толаларини тайёрлашга ихтисослаштирилди.

Гап шундаки, Олмалиқ кон-металлургия комбинати мутахассисларига Жиззах вилояти яқинида хомашё таркибида базальт моддаси ҳам сероб эканлиги маълум бўлди. Бу хил тоғ жинси қурилишларда ишлатилаётган асбест, маъданли пахта, пенополиуретанларга қараганда анча устун туради.

Ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган бу хил тола экологик соф маҳсулот бўлиши билан эътиборни ўзига тортади. Ундан машинасозлик саноатида кенг фойдаланиш мумкин. Айни вақтда кўпқаватли биноларни тиклашда базальт толалар қўл келади.

Янги корхона ўзининг дастлабки маҳсулот турини «Айдар-Базальт» деб номлади. Корхона йилига бундай толадан 9,5 минг кубометрини ишлаб чиқаради. Ҳозирнинг ўзида «Тошкент шаҳар уй-жойинвестқурилиш» корпорацияси корхонага буюртмалар берди.

Яқин келгусида корхонада мўъжаз домна ўчоқлари цехлари сони яна кўпаяди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати янада ортиб, қурилиш, машинасозлик ва тўқимачилик саноатининг базальт толаларига бўлган эҳтиёжи қондирилади.

ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Республикамизда тўқимачилик машинасозлиги бўйича шуғулланаётган корхоналар сони ортиб бормоқда. «Тошкент тўқимачилик машинасозлик заводи» ҳиссадорлик жамияти негизида ташкил этилаётган қўшма корхона эса шу яқин орада ишга тушади.

Шу мақсадда корхона Швейцариянинг «Машиненфабрик Ритер АГ» фирмаси билан ҳамкорлик алоқасини йўлга қўйди.

Ўзбек-Швейцария қўшма корхонаси тола ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи техник ускуналарнинг бир бутун мажмуасини тайёрлаш билан шуғулланади.

Шунингдек, Швейцария фирмаси ўзининг энг замонавий технологияларини ҳам Ўзбекистонга олиб келади

ЧАВАНДОЗНИ ХОТИРЛАБ

Пойтахтимиздаги Отчопар майдонида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, моҳир чавандоз, халқаро миқёсдаги спорт устаси Мамажон Исмоилов хотирасига бағишланган от спорти бўйича бешинчи анъанавий Тошкент шаҳар очиқ чемпионати бошланди.

Бу турнирда Тошкент шаҳар ҳамда вилоятининг 30 дан ошиқ моҳир чавандозлари 5 хил баландликдаги тўсиқлардан ошиш бўйича ғолиблик учун беллашади.

- Устозим Мамажон Исмоилов ёшлигидаёқ бу спорт турига қизиққан бўлиб, одамлар орасида уни «отда туғилган» деган гап юрарди, - деди республика от спорти федерацияси бош котиби Равшан Саъдуллаев.- Мамажон ака ўзбекистонлик чавандозлар ичида биринчи бўлиб, 1972 йили Мюнхенда ўтказилган Олимпиада ўйинларида ғолибликни қўлга киритган. Шундан сўнг ҳар йили турли мусобақаларда қатнашиб, юртимизга кўплаб медаллар шодасини тақдим қилган. У от спорти тарихида ҳам ўчмас из қолдирган. 1986 йили Голландияда фахрийлар кубоги совриви учун халқаро турнирда бош совринни қўлга киритиб, ёш чавандозларга ўрнак бўлган эди.

Мазкур мусобақа 21 ноябр куни якунланади.

У. ХОЛИҚОВ.



МУҲАРРИРЛАР МАЙДОНИ

(22 ноябрдан— 28 ноябргача)

● **ҚЎЙ** — Ушбу ҳафтада катта режаларни амалга оширсангиз айни муддао бўлади. Яқин сафарлар ўзининг ижобий самарасини беради. Пайшанбагача фаолиятингизда меъёрдан ортмайдиган таваккалчилик зарар қилмайди.

● **БУЗОҚ** — Ўзибўларчиликка ружу қўйманг, бу айниқса, моддий-молиявий жабҳалар ва ҳиссиётларингизга тааллуқлидир. Ҳафтанинг биринчи ярмида ҳамфикрларингиз, дўстларингизнинг сезиларли қўллаб-қувватлашлари, яхшигина даромадлар кутилмоқда.

● **ЭГИЗАКЛАР** — Сиз учун ушбу ҳафта сермаҳсул бўлиши кутилмоқда. Аммо пайшанбадан шанбагача кутилмаганда моддий муаммо юзага келиши мумкин.

● **ҚИСКИЧБАҚА** — Ушбу ҳафта воқеаларга бой, мазмундор бўлиши кутилмоқда. Пайшанбадан шанбагача моддий муаммолар юзага келиши эҳтимоли бор. Шунинг учун кўчмас мулк, уй-жой масалалари билан шуғулланмасликка ҳаракат қилинг.

● **АРСЛОН** — Сафарларингиз бароридан келади. Баъзилар дўстлари, хомийлари саҳийлигини суиистеъмол қилишга интиладилар. Шиддатингизни сусайтиринг. Ҳафта яхши харидлар учун омадли бўлади.

● **ПАРИЗОД** — Хизматда ижобий бурилишлар рўй беради. Баъзилар ўриндошлик йўли билан ишлаш имкониятига эга бўлади ва яхшигина даромад топади. Кайфиятингиз бузилмасин десангиз, дам олиш кунлари фарзандларингизга, айниқса, балоғат ёшига етганларига юриш-туриш борасида ортиқча панд-насиҳат қилманг.

● **ТАРОЗУ** — Тадбиркорлик борасида ушбу ҳафтадан ўринли фойдаланинг. Хушфеъллигингиз, ўз нуқтаи-назарингизга бошқаларни кўндириш санъатингиз шу кунларда ёрқин намоён бўлади. Дам олиш кунларини фарзандларингиз даврасида ёки севикли кишингиз билан ўтказишни юлдузлар сизга тавсия қиладилар.

● **ЧАЁН** — Баъзи ёшларнинг зерикарли ҳаётини янги танишувлар, балки эҳтиросли севги безар. Одамлар билан яхши муомала қалтис ишларни ҳам амалга оширишга ёрдам беради. Омад сиздан юз ўгирмайди. Бироқ фаолиятингизда қонун чегарасидан чиқманг.

● **ЎҚОТАР** — Ҳафтанинг асосий масалалари фарзандларингиз, оилангиз, ишқий ташвишлар, эрмакларингиз билан боғлиқ келади. Ишларингизни муваффақиятли тугаллашингиз учун шахсий мулоқотлар, таниш-билишчилик, учрашув ва сафарлар асқотади.

● **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Ушбу ҳафтада сизга истиқбол эшиклари очилиб, ижодий қувват ишларингизга омад бахш этади. Бу айниқса, моддий-молиявий соҳаларга тааллуқлидир.

● **КОВҒА** — Сафарлар билан боғлиқ режаларингизни пайшанба кунигача ҳал қилганингиз маъқул. Бироқ баъзи кишилардаги ўзбошимчалик душанба, сешанба ва дам олиш кунлари ҳалал бериши кутилмоқда.

● **БАЛИҚ** — Пул билан боғлиқ масалаларни ҳафтанинг дастлабки уч кунида ҳал қилсангиз алдовлар, чалкашликлардан йироқ бўласиз. Дўстларингиз, яқинларингизнинг амалий ёрдамига ишонсангиз бўлади.

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси Малика Жалиловага синглиси

МАРҒУБА ЖАЛИЛОВАнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раҳбарияти бош мутахассис Қорабоев Вячеслав Шомансуровичга онаси

ДЕМИДЕНКО МАРИЯ КУЗЬМИНИЧНАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22. 00.

Буюртма Г— 0919.

1 2 3 4 5 6